Р. Рассудова

# ЎЗБЕК КАШТАЧИЛИК САНЪАТИ

# УЗБЕКСКИЙ ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ШОВ

19 СЕН 1979

ГОСУДАРСТВЕННОЕ
ИЗДАТЕЛЬСТВО
ХУДОЖЕСТВЕННОЙ
ЛИТЕРАТУРЫ
УзССР

Р. Рассудова

# ЎЗБЕК КАШТАЧИЛИК САНЪАТИ

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1961

ЎзССР Маданият министрлиги Республика халқ ижоди уйи нашрга тайёрланган.

Подготовлено к изданию Республиканским домом народного творчества Министерства культуры УзССР

*Т. Одилбеков* таҳрири остида
Под редакцией *Т. Адилбекова*

Русчадан *Т. Мирзаев* таржимаси

Чизмалар ва иллюстрацияларни рассом
*К. В. Заршчикова* тайёрлаган.
Чертежи и иллюстрации подготовлены художником
*К. В. Зарщиковой*



I

Уйлар ва кийим-кечакларни безаш учун қўлланадиган кашталар қадим замонлардан бери ўзбек халқи орасида кенг ёйилган. Уй деворлари, тахмонлар, кўрпа-тўшаклар, ҳар хил майда уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечакларнинг айрим қисмлари кашта билан безатиларди, бош кийимларга ҳам кашта тикиларди.

Уйларнинг деворларини безатадиган **палаклар, сўзаналар, гулкўрпалар, зардеворлар** Узбекистондан ташқарида ҳам машҳурдир. Кашта тикилган чойшаплар, рўйнжо, жойпўшлар янги келин-куёв ўрни устидан ёпилади. Ёстиқ устига тутиш учун **такияпўш, тахсарпўш, болиштпўш** тикилади, ювинганда артиниш учун **танпоккун, сарпоккун** ёки **сочиқ** тайёрланади. Кийим-бошлар **бўғжомага** ўралади. Рўзғорда **сандалпўш, гаврапўш** каби буюмлар ҳам ишлатилади. Кексалар гул тикилган махсус **жойнамоз** устида намоз ўқирди. Тошкент ва Фарғонада эркак ва аёлларнинг бош кийими дўппи деб аталса, Шаҳрисабз ва Самарқандда қалпоқ дейилади, аёлларнинг **рўмоллари** ёки **пешона бандаклари**, эркакларнинг белига боғлайдиган **белбоғлари** (Фарғонада **чорси**, Тошкентда **қийиқча**, Шаҳрисабзда **белқарс**) кашта билан ҳашамдор қилиб безатилади.

С древних времен во всех слоях населения Узбекистана широко были распространены разнообразные виды вышивок. Вышивками украшаются стены и ниши комнат, постельные принадлежности, различные мелкие предметы быта, отдельные части одежды, головные уборы.

Наиболее известны внутри и за пределами Узбекистана крупные декоративные вышивки, украшающие стены жилых комнат. Это так называемые **паляк, сузани, зардивар**. Кроме того существуют вышитые простыни, служащие для покрывания постели новобрачных: **руиджо, джойпуш, чойшаб;** покрывала на подушки: **такъяпуш, тахсарпуш, болинпуш, ястыкпуш;** купальные простыни и полотенца. Чистое сложенное белье завертывается в вышитые полотнища **бугджама,** или **бугча**. Нередко старики совершают молитву (намаз) на специальных вышитых ковриках — **джойнамаз.**

Обильно украшаются вышивкой головные уборы — тюбетейки — как мужские, так и женские; платки: женские головные — **румол, пешона-бандак;** мужские поясные — **чорси, киикча, белкарс.**

В сельских местностях, в особенности там, где население в недавнем прошлом

Қишлоқ жойларда, айниқса яқин ўтмишда халқи кўчманчи бўлиб яшаган жойларда, ҳар турли кашта тикилган буюмлар мавжуд эди. Масалан: чой учун **чой халта**, пул учун **пул халта**, тароқ учун **шона халта**, ойна учун **ойна халта** ва шунга ўхшашлар бор эди.

Кашталар ўзининг тикилиш техникаси, расмларининг композицияси ва ўзига хос гуллари билан бир-биридан фарқ қилиб туради.

Хилма-хил манзарали чойшаплар ранг-баранг гулларга жуда бой бўлади, баъзан улар сидирға гулли қилиб тикилади, четларига чиройли жияк тутилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган қадимги ўзбек каштаси кейинги даврнинг кашталарига нисбатан жуда сергул бўларди, очиқ жойи қолмас эди. Шунинг учун қадимги кашталарнинг матоси сира кўринмас эди. Чойшапларнинг тўрт чеккасига кашта тикилади (ўртаси бўш қоларди); жойнамознинг уч томонига кашта тикилиб, олд томонига меҳробнинг тасвири туширилади. Майда буюмлар ҳар жойнинг таомилига кўра, ўзига хос гуллар билан безатилади.

Кашта безагининг асоси гулдан иборат бўлиб, уларнинг ўртасига ёки ҳошиясига чирмашган гул шохлари тикилади, бошқа жойлари жимжимадор гул барглар, гул буталари билан қопланади. Гуллик безаклар билан бирга йирик кашта тикилган буюмлар — сўзана ва палакларда турли-туман қушлар, уй-рўзғор, буюмлари (пичоқ, шамдон), қуёш, ой, юлдуз каби фазовий жисмлар ҳам тасвирланади.

Каштанинг ўзига хос хусусияти унинг кўриниши, қўлланиши билангина эмас, балки ишланган жойи билан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир районнинг орнаменти ўзига хосдир. Шунинг учун расмларни Чустники, Шаҳрисабзники, Ургутники

кочевало, распространены вышитые мешочки для чая — **чой-халта**, для денег — **пуль-халта**, для гребня — **шона-халта**, для зеркала — **ойна-халта** и др.

Различные декоративные вышивки типа покрывал украшаются более богато, с применением непрерывного орнамента, а иногда и сплошного зашива поля, с выделением нарядной широкой каймы.

Старые узбекские вышивки (до второй половины XIX в.) были значительнее насыщены рисунком, чем вышивки более позднего периода; в них почти не оставляли просветов, и поэтому в старых вышивках не видно ткани — основы.

Простыни вышиваются только по краям (центральное поле оставляется свободным); джойнамаз — с трех сторон, причем на верхней, поперечной, стороне обязательно делается изображение михраба, большей частью в виде стрельчатой арки. Мелкие изделия имеют свои орнаментальные композиции, также подчиняющиеся местным традициям.

Основной узор всех вышивок — цветочный: вьющаяся ветка, встречающаяся и в центральном поле, и в кайме вышивки; усложненные дополнительными деталями цветочные розетки; кусты цветов, также расположенные на всей вышивке. Наряду с исключительно цветочным орнаментом нередко встречаются изображения птиц, предметов домашнего обихода (ножи, светильники), изображения солнца, луны, звезд (последние вышиваются в основном в крупных изделиях — сузани, паляках).

Своеобразие вышивок определяется не только видом и назначением изделий, но и районом производства их.

Орнаментальные особенности каждого района прекрасно различаются местным населением, поэтому многие рисунки

деб, жойларнинг номи билан аталади.

Ўзбек каштачилари қўллайдиган чоклар ҳам хилма-хилдир. Тикиш техникаси ҳам буюмнинг турига, районига ва унинг бажарилиш вақтига қараб белгиланади. Бадиий кашта чоклари ҳам уларнинг композицияси, орнаменти ва кашта материали каби ўзгариб туради. Баъзи эски чоклар бир районда йўқолиб ёки эсдан чиқиб, иккинчи районга ўтади ёки тамомила янги чоклар пайдо бўлади.

Қўлингиздаги альбомдан кузатилган мақсад — ўзбек каштачилари орасида ҳозирда мавжуд бўлган миллий чоклар билан таништириш ва уларни тикишни ўрганиш учун амалий қўлланма беришдан иборат.

### АСОСИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБЛАР

Бизгача етиб келган қадимги ўзбек кашталарининг кўпи оқ бўзга (тожикча **карбосга**) ёки сарғиш маҳаллий пахта ипидан тўқилган **«малла»**га тикилган. Кейинги пайтлари яратилган кашталарда ҳар хил рангдаги (айниқса қизил ва сариқ) фабрика матолари ишлатила бошлади.

Қўлда йигирилган ипак ип билан бир қаторда фабрикада ишлаб чиқарилган махсус ипларни ишлатиш ҳам ҳозирги замон каштаси учун характерлидир (**ғалтакли, ирис, мулине, вискоза каби**).

Ўзбек каштачиларининг асосий қуроли **нина, ангишвона, илма бигиз, чамбарак, керги ва «попур машина»дир.**

Ниналарнинг узунлиги ва йўғон-ингичкалиги тикиладиган нарсанинг ҳажми ва турига қараб танланади. **Нинадўз** деб аталадиган катта нинанинг бир тури иш вақтида тикилаётган материални маҳкамлаб қўйиш ва чамбаракка таранг тортиш учун ишлатилади.

носят географические названия: **чустские, шахрисябзские, ургутские** и др.

Швы, применяемые вышивальщицами Узбекистана, очень разнообразны. Техника шитья обусловливается видом изделия, районом и временем его выполнения. Художественные швы, так же как и композиция орнамента и материал вышивок, не остаются неизменными: некоторые старинные швы вовсе исчезают или забываются в одних районах, появляясь в других; нередко усваиваются совершенно новые швы.

Настоящий альбом ставит задачей познакомить читателя с бытующими сейчас среди узбекских вышивальщиц национальными швами и дать практические указания к использованию этих швов.

### ОСНОВНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ОБОРУДОВАНИЕ И ИНСТРУМЕНТЫ

Дошедшие до нас старинные узбекские вышивки в большинстве своем выполнены на кустарной хлопчатобумажной ткани белого цвета — буз (тадж. **карбос**), или на **малле**, вытканной из нитей местного хлопка «гуза» желтовато-коричневого оттенка. В более поздних вышивках начали применяться фабричные ткани различных цветов, в особенности желтого и красного.

Для современных вышивок характерно применение, наряду с шелковыми нитками кустарного производства, специальных фабричных хлопчатобумажных и шелковых ниток (катушечные, ирис, мулине, вискоза и т. д.).

Основными орудиями производства узбекских вышивальщиц являются иглы — **игна нина** и **ниндуз;** наперсток — **ангиш;** тамбурный крючок — **бигиз** (или **дарауш**), пяльцы **чамбарак** и вышивальная тамбурная машина — **«попур машина».** Иголку для вышивания — **игна нина** бе-

Бадиий кашталарнинг деярли ҳаммаси нина билан тикилади, лекин илма «занжир» чок учун махсус ишланган илма бигиз ва йўрмадўз машиналар ҳам ишлатилади.

**Илма бигиз** ёки **даравши** думалоқ ингичка сим бўлиб, узунлиги 5—6 см. дан иборат. Бу сим узунчоқ цилиндр шаклидаги ёғоч дастага ўрнатилади. Бигизнинг иккинчи учи доимо илгакли бўлади.

Илма бигиз фақат чамбаракда тикиладиган йўрма кашталарда ишлатилади. **Чамбарак** ёғочдан доира ёки тўғри тўрт бурчакли қилиб ясалади. Тўғри тўрт бурчакли чамбаракнинг катталиги 110×80 см. бўлади.

XX асрнинг бошларида Ўзбекистоннинг Тошкент, Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарларида, кейинчалик бошқа жойларда ҳам кашта тикадиган йўрмадўз машиналар пайдо бўлди.

Баъзи бир кашта буюмларини тикишда каштачилар тўрдан фойдаланишади. Шаҳрисабзда буни буронбой дейилади. **Буронбой** бир оз крахмалланган оддий дока бўлиб, унга кашта гуллари чизилган бўлади. Фабрикада тўқилган тўр катаклари йирик бўлгани учун каштачиликда ишлатилмайди. Унга тикилган гул қўпол чиқади. Буронбой кашта тикиладиган материал устига ёзилиб, атрофи чатиб чиқилади. Буронбой қоплаб тикилган кашта ўзининг нозиклиги ва нафислиги билан ажралиб туради.

Кейинги вақтларда артель каштачилари йирик кашталарни тайёрлашда кўчирма қоғоз орқали тайёр нусхаларнинг расмини кўчирадиган бўлдилар. Баъзи жойларда сақланиб қолган ва жуда кам учрайдиган дўппи нусхалари бундан мустасноdир. Кашта артелида гулларни махсус усталар — чизмакаш-рассомлар чизадилар. Гул, одатда материалга сиёҳ ёки рангли лой билан чизилади. Чизиш-

рут различной длины и толщины в зависимости от величины изделия и вида материала, на котором вышивают. Вторая иголка — **ниндуз**, бо́льших размеров, служит лишь для прикрепления вышиваемой ткани во время работы, а также для натягивания ткани на пяльцы.

Иглой выполняются все художественные швы, в некоторых вещах даже петельный шов «цепочкой», для которого существует также специальный крючок бигиз и тамбурная машина.

**Бигиз,** или **дарауш,** представляет собой тонкую железную проволоку, круглую в сечении, длиною в 5—6 см. С одной стороны она насажена на деревянную рукоятку различной формы (цилиндрической, удлиненной, грушевидной), с другой — заканчивается крючком. Бигиз применяется при выполнении тамбурного шва исключительно на пяльцах.

**Чамбарак** (пяльцы) — деревянная прямоугольная или круглая рама; ее размер достигает 110×80 см. Ткань натягивают, пришивая ее иглой к краям пялец.

Вышивальная тамбурная машина появилась в начале XX в. впервые среди вышивальщиц больших городов (Ташкент, Бухара, Самарканд), постепенно распространяясь и в других местах.

При вышивании некоторых видов изделий мастерицы используют в качестве канвы **буранбой.** Буранбой — это слегка накрахмаленная марля с нанесенным на нее узором. Фабричная канва не применяется, так как ее клетки крупны и вышитый по ней узор получается грубым. Буранбой накладывается на вышиваемую ткань и приметывается по краям. Вышивки, сделанные по буранбою, отличаются тонкостью и изяществом рисунка.

Вышивальщицы в артелях при изготовлении крупных вышивок последнее время начали пользоваться переводом



II

да қамиш ёки пўлат қаламдан фойдаланилади.

Аввал каштанинг ўртасидаги марказий гули чизиб олинади. Бунинг учун ҳошияларни чегараловчи тўғри чизиқлар чизилади. Ўлчов сифатида қарич ёки махсус таёқча ишлатилади. Сўнгра гул тушадиган жойлар ва уларнинг чегаралари нуқталар билан белгиланади. Давра ғурунжлар, медальонлар, гулдасталар марказдан бошлаб чизилади; сўнг йирик нақшларнинг шакли туширилади.

Кичик кашта гулларини баъзан каштачиларнинг ўзлари чиза берадилар.

Бадиий каштачилар тикаётган буюм битгунча уни кир бўлишдан сақлаш учун ғилофга ўраб қўядилар. Битган қисми эса иш халтага солиб қўйилади.

Жойнамоз, чойшап, палак каби йирик кашталарни тикаётганда, айниқса уларга тикилаётган ип, материали қиммат баҳо, ранги очиқ бўлганда ана шундай эҳтиёт қилинади. Майда кашталар, масалан, дўппи кабилар бир парча тоза латта билан ўраб тикилаверади.

Каштачилар ерга ёки сўрига кўрпача солиб, чап оёқларини ярим йиғган ҳолда иш тикадилар. Кашта тикиладиган материал эса, ўша ярим йиғилган чап оёқнинг тиззаси устига қўйилиб, кўйлакка қадалади ва унинг этаги шу чап оёқ панжаси билан босиб олинади. Баъзан, зарурият туғилса материал тиззалар орасига қистириб қўйилади. Тикилаётган буюмнинг текис туриши учун уни чап қўл билан ҳамиша тортиб турилади. Лекин чап қўлнинг бош бармоғи доим ишлаб туради. Ҳар бир чок тикилганда ип материянинг чап томонидан айлантириб келинади, шунда бош бармоқ ипга монанд ҳолатга тушиб туради. Ипнинг ҳар чокдаги охирги тортилишида бармоқ секин-аста эгилади, ип ундан осонлик билан сирғалиб тушаверади.

рисунка с заготовленного шаблона при помощи копировальной бумаги (исключением являются кое-где сохранившиеся и изредка употребляющиеся штампованные узоры для тюбетеек); заготовку узора в вышивальных артелях выполняют специальные рисовальщики — чизмакаш.

Узор наносится на ткань от руки чернилами или цветной глиной с помощью тростникового или стального пера.

Прежде всего выделяют пространство центрального поля вышивки. Для этого проводят прямые линии, отграничивающие кайму (расстояние измеряется пальцами или палочкой); затем точками размечают центры основных розеток или букетиков и границы их. Розетки, медальоны и букетики рисуют, начиная с середины; контуры каждого крупного узора наносятся в последнюю очередь.

Рисунки мелких вышивок иногда выполняются вышивальщицами самостоятельно.

В процессе работы вышивальщицы всегда прикрывают свое изделие специальным чехлом, чтобы предохранить его от загрязнения; в чехол вкладывают ту часть ткани, над которой мастерица в данное время не работает, а в перерывах прячется и все изделие. Чехлы употребляются при вышивке крупных сузани, джойнамазов, простыней и т. д. При вышивании мелких предметов, например тюбетеек, их прикрывают куском чистой материи с вырезом, по мере необходимости эта материя передвигается.

Вышивальщица работает обычно сидя на одеяле, постеленном на полу. Левая нога ее, на которую она опирается при работе, полусогнута. Вышиваемая ткань набрасывается на левое колено и прикалывается иголкой к платью, которое женщина подбирает под это колено. Иногда при необходимости ткань зажи-

Бундай рационал усул каштачиларнинг ишига халақит берадиган ипнинг чигалиб қолишидан сақлайди.

## АСОСИЙ ЧОКЛАР

Ўзбек каштачилари ишлатадиган чоклар ичида энг кўп тарқалганлари қуйидагилардир: **босма, канда хаёл, чинда хаёл, хомдўзи, йўрма, попур, ироқи, илмоқ, чамак, бахя** ва бошқалар.

Бу чоклардан **босма, канда хаёл, чинда хаёл, хомдўзи, йўрма ва ироқилар** асосий орнаментларни тикишда қўлланилади; бошқалари ёрдамчи чоклар сифатида ишлатилади, баъзи қисмларга иккинчи даражали орнамент, ажратма чизиқлар (майда нақшларнинг ички гуллари, нақшлар чизиғини бўрттириб кўрсатадиган чизиқларнинг шакллари) тикилади. Каштачиликда энг кўп қўлланадиган чоклардан бири йўрмадир. Орнаментлар босма чок билан тикилганда унинг атрофи йўрма чок билан ўраб чиқилади.

Бир каштага гул тикишда бир неча асосий чокларни қўллашга йўл қўйилмайди. Доимо ҳар бир гул-нусха асосий чоклардан биттаси билан бажарилади.

Матонинг бир томонига сидирға тикилган чок **босма чок** деб аталади. Бу чок бўйига ёки кўндалангига[1] ўтказилган иплар устига тикилади. Орнаментнинг у чеккасидан бу чеккасига кўндалангига узун таг ипи (нах) ўтказилади, сўнгра тикилаётган матога майда чок (захм)лар билан чатиб қўйилади.

Бу шундай қилинади: матога тикилаётган расмнинг чап қирроғидан нина санчиб, матонинг ўнг томонига ўтказилади,

[1] «Бўйига» ёки «кўндалангига» сўзлари шартли равишда ишлатилади. Кўндалангига жойлашувчи ип каштачига нисбатан чапдан ўнгга ва чапга ҳаракат қилади, бўйига жойлашувчи ип юқоридан пастга ва юқорига ҳаракат қилади.

мают между коленями. Чтобы вышиваемое изделие было ровным, его всегда натягивают левой рукой. При этом постоянно участвует в работе большой палец левой руки. С его помощью отводится нить при выходе иголки с ниткой с левой стороны материи. В конце натягивания большой палец постепенно склоняется, и нитка сама собой сходит с него. Этим, очень рациональным, приемом предотвращается запутывание нитей, что нередко является большой помехой в работе для некоторых вышивальщиц.

## ОСНОВНЫЕ ШВЫ

Среди швов, применяющихся вышивальщицами Узбекистана, основными и наиболее распространенными являются следующие: **басма, канда-хайоль, чинда-хайоль (дуруйя), хомдузи, юрма, попур, ироки, ильмак, чамак, бахья и другие.**

Басма, канда-хайоль, чинда-хайоль, хомдузи, юрма и ироки применяются для зашива основных орнаментов; остальные швы употребляются как подсобные: ими выполняются второстепенные части орнамента (разделительные полоски, внутренние части мелких узоров, контурные линии, оттеняющие очертания узоров). Из главных вышивальных швов употребляется как отделочный шов юрма — им обводятся контуры рисунков при выполнении орнамента швом басма. Применение на одной вышивке для зашива основного орнамента нескольких главных швов не допускается.

**Басма** представляет собою односторонний сплошной зашив поверхности узора положенными по горизонтали или по вертикали[1] нитями настила с после-

[1] Слова «по горизонтали» или «по вертикали» приняты условно. «По горизонтали» означает направление нитей, идущих относительно вышивальщицы — слева направо и обратно; «по вертикали» — сверху вниз и обратно.

тагликнинг ипини ўнг томонга қарата кўндаланг тортиб қўйилади. Нинани тиқилаётган шаклнинг ўнг томонига таг ип охирида санчилади. Матонинг тескари томонидан эса, уни чап томонга ва бир оз пастга қиялатиб тортилади; матонинг ипларидан бир нечтасини йиғиб, таглик ипининг остидан суғуриб олинади. Ундан кейин яна нина таг ипининг юқорироғидан бир оз орқага (ўнг томонга) ёки олдинга (чап томонга) қайтариб санчилади. Сўнгра ипнинг остидан олдинга (чапга) томон тортиб олинади. Шу йўсинда таг ипининг охиригача такрорланаверади.

Тагликнинг иккинчи ипини биринчисининг пастроғидан ўтказилади, учинчисини иккинчисидан пастроқ ва ҳ. к. Уларнинг ҳар бири матога майда чоклар билан чатилади. Тагликнинг ипи фақат чапдан ўнгга ўтказилади, чоклар эса орқа томонга, яъни ўнгдан чапга қараб боради. Чок бутун мато бўйлаб бир томонга (ўнг ёки чапга) баробар оралиқда ағдарилган бўлиши лозим. Таг ипини тиккасига ҳам ўтказиш мумкин. Бу ҳолда таг ипи фақат пастдан юқорига қарата, яъни «ўзидан» бошлаб тортилади; шунда чоклар юқоридан пастга яъни «ўзига томон» ўтказилади.

Тўшама иплар тик етқизилганда чок иплари қуйидагича туширилади. Ип ўтказилган нина нусханинг юқори четидан, матонинг тескари томонидан таг ипининг чап томонидан ўтказилади. Сўнгра, таг ипини ушлаб туриб, нинани орқага қайтариб, яъни юқорига қаратиб санчилади; таг ипи мана шу иккинчи нина санчилган жойдан чапда қолади. Тўшаманинг биринчи ипи шу тартибда ўтказилади. Шундай қилиб, таг иплари кўндаланг бўлганда ҳам, тикка бўлганда ҳам уларга чирмашадиган чоклар бир-биридан бир оз узоқроқда ва хиёл қия ҳолда дующим прихватом их поперечными стежками.

В горизонтальном направлении от одного края зашиваемого орнамента к другому проводится длинная нить настила (нах), которая затем прикрепляется к ткани мелкими перехватывающими их стежками (захм).

Это делается так. С левого края зашиваемого рисунка извлекают иголку на лицевую сторону ткани и, протянув нить настила направо по горизонтали, кладут ее на ткань. На правой стороне контура рисунка вкалывают иголку по линии нити настила, а на изнанке ткани ее направляют опять налево и чуть косо вниз, набирают несколько нитей ткани и извлекают ниже нити настила. Далее снова иголку вкалывают выше настила, несколько отступают назад (направо), или вперед (налево), а извлекают ее ниже нити настила и всегда впереди (налево). Так повторяется до конца нити настила. Вторая нить настила проводится ниже первой, третья — ниже второй и т. д. Нити настила проводятся только слева направо, а стежки идут уже в обратном направлении, т. е. справа налево. Причем стежки необходимо класть с одним наклоном (или направо, или налево) и на одном и том же расстоянии по всей вышивке.

Нити настила можно проводить и в вертикальном направлении. В этом случае прокладку нити начинают только снизу вверх, т. е. «от себя», тогда стежки идут сверху вниз, т. е. «к себе».

При вертикальных нитях настила стежки прикрепа кладутся следующим образом. Иголка с ниткой на верхнем крае узора извлекается с изнанки ткани по левую сторону нити настила. Далее, перехватив нить настила, иголку вкалывают отступя назад, т. е. кверху, и

тушади; нусханинг устида диагональ чок ҳосил бўлади. Бунда майда чоклар матонинг ўнг томонида, йириклари эса чап томонида ҳосил бўлади (1 таблица). Матонинг ўнг томонидаги чокларнинг энг узуни 3 мм гача етади.

Бажарилиш принципи бир хил бўлган босма чокнинг бир неча тури бор. Улар бир-биридан ташқи кўриниши билан ажралиб туради. Бу фарқ чокларнинг узунлиги, тўшама ипида жойлашган ўрни ва йўналишидан ҳосил бўлади.

а) Тўшаманинг узунроқ чоклари билан (3 мм гача) тикилиши **захмаш дароз** (2 таблица) дейилади.

б) Тўшаманинг жуда қисқа «думалоқ» чоклар билан тикилиши **захмаш лўнда** (3 таблица) дейилади.

в) Тўшама босма чок учун умумий бўлган қўш чокда тикилганда икки чок ораси жуда яқин бўлиб, кейинги икки қўшалоқ чоклар оралиғи эса бир оз очиқ бўлади (4—5 таблицалар).

г) Тўшаманинг «донача» **(зирадўзи)** чоклар билан тикилиши кесишувчи майда чоклар бири иккинчисининг остига эмас, балки қатордаги ҳар бир чок аввалги икки чокнинг орасига тушади. Бу чок шаклда диагональ эмас, четон тўқимасини эслатади. (6 таблица.)

Чокнинг гўзал чиқиши учун ипнинг сифати катта аҳамиятга эга. Агар тўшаманинг ипи яхши пишитилган бўлса, газмолга зич ўрнашади, тикилаётган гулнинг бўртмаси эса кесишган чоклар билан ҳосил қилинади (бу усул Самарқандга хосдир). Аксинча, агар тўшама ипи хом пишитилган бўлса, таранг тортилмайди. Натижада чок газмолда бўртиб турмайди; чокларнинг орасида бўшлиқлар ҳосил бўлади.

Босма чок турларидан бирини **канда хаёл** дейилади. Канда хаёл ҳам худди босманинг ўзидай бажарилса-да, лекин

нить настила остается слева от этого второго прокола. Так проводят первую нить настила до конца. Вторая нить настила кладется слева от первой и т. д. Таким образом и при горизонтальных и при вертикальных нитях настила прихватывающие их стежки ложатся на некотором расстоянии друг от друга и чуть наискось, образуя диагональный зашив поверхности узора. При этом на лицевую сторону ткани выходят мелкие стежки, а длинная часть их остается на левой стороне (табл. I). Наибольшая длина стежков на правой стороне достигает 3 мм.

Шов басма имеет несколько разновидностей, одинаковых по принципу выполнения, но отличающихся по внешнему виду. Эти отличия получаются в зависимости от различной длины стежков перехвата, их расположения и направления на нитях настила:

а) зашив настила продолговатыми стежками прикрепа (до 3 мм) **(захмаш дароз)** (табл. 2);

б) зашив настила очень короткими «круглыми» стежками **(захмаш лунда)** (табл. 3);

в) зашив настила двойными стежками обычной для басмы длины — два стежка делаются совсем рядом с очень маленьким промежутком между ними, а следующие два — через некоторое расстояние (табл. 4—5);

г) зашив настила «зернышками» **(donaча, зирадузи)** — мелкие стежки прихватов делаются не один под другим, а каждый стежок последующего ряда помещается между двумя стежками предыдущей нити настила. Этот зашив дает зернистую фактуру, и шов производит впечатление рябинок, зернышек, а не диагоналей (табл. 6).

Большое значение в изменении вида зашива имеет качество ниток. Если нит-



III

лидаги каштада газмолнинг тескари томонидаги гул нусхали иплар кўринмайди дейиш мумкин: бунда чокларнинг диагональ йўналиш бўйича кесишув жойидаги нуқталаргина орқа томонига ўтади. Босманинг қолган барча турларида мато орқасида — қийшиқ кесишувлар ўртасида узун-узун иплар ҳосил бўлади.

Босма чок билан тикилган гул нусхаларнинг четига деярли ҳамиша йўрма «занжир» тикиб чиқилади. Унинг ранги гул нусханинг рангидан кескин фарқ қилади. Шунингдек, бу йўрма чок машина билан эмас, балки нина билан бажарилади. Қанда хаёл чоки бўлса ҳеч қандай бошқа чоклар билан ҳошияланмайди.

Босма чок ва унинг турли хиллари асосан тирик декоратив кашталарда қўлланилади, майда кашталарда учрамайди.

Самарқандда қадим замонларда канда хаёл тўғри чизиқли ҳошияларда (оба ёки сув нақшида) тикилар эди. Шунингдек, у майда кашталарда ҳам ишлатилган. Ҳозирги вақтда у фақат дўппи тикишда қўлланилади. Босма чок, кўп меҳнат талаб қилишига қарамай, Ўзбекистоннинг барча районларида қўлланилади.

**Чинда хаёл** ёки **доврупоя** кесма чоклар ишлатилмайдиган икки ёқлама сидирға чоклашдир (9 таблица). Тўшама ип тикиладиган нақшнинг бир четидан иккинчи четигача оддий чок билан «нинани олдинга томон» ёки «ўзига томон» санчиб тикиб чиқилади. Газмолга охирги чокдан олдинга қарата нина санчганда, уни ҳамма вақт бир неча ипдан кейин ўтказилади. Лекин газмолнинг тескари ёки ўнг томонидан ҳосил бўлган кесишманинг узунлиги бир хилда бўлиши керак. Газмол 180° айлантирилади ва гул нусханинг қарама-қарши томонидаги аввалги чокдан тескари томонга қараб тикилаверади, яъни нина биринчи марта қайерга қадалган бўлса,

стежком зацепляет соседний верхний стежок нити прихвата, а проколы делают у самой нити настила. Таким образом, стежки образуют сплошные, чуть извилистые линии, идущие поверх настила в диагональном направлении (табл. 8).

Вышивки, выполненные швом канда-хайоль, отличаются от других видов басмы и по изнанке. При шве канда-хайоль узор на изнанке ткани почти свободен от нитей; здесь выступают лишь редкие точки от коротких стежков перехвата, идущие в диагональном направлении. При всех остальных видах басмы узор на изнанке почти сплошь заполнен длинными нитями косых стежков перехвата.

Узоры, выполненные швом басма, почти всегда обрамляются петельным швом «цепочкой»— юрма, цвет которого контрастирует с цветом самого рисунка; причем часто юрма выполняется иглой, а не машиной. Шов канда-хайоль вообще не окантовывается другими швами.

Шов басма со всеми его разновидностями применяется в основном в крупных декоративных вышивках. В старину в Самарканде швом канда-хайоль вышивались только прямые линии каймы (**обá**, или **сув**), а также выполнялись мелкие детали; в настоящее время здесь он применяется лишь для вышивания тюбетеек. Шов басма, несмотря на свою трудоемкость, широко бытует до настоящего времени среди населения всех районов Узбекистана.

**Чинда-хайоль, или дуруйя** — это двусторонний, плоский зашив поверхности прерывающимся настилом, без применения перехватов (табл. 9). От одного края зашиваемого орнамента до другого нитка настила проводится обыкновенным швом «иголку вперед», или к себе, пропуская нитку в материю через не-

ташқи кўриниши жиҳатидан босма чокнинг тасвирланган ҳамма хилларидан кескин ажралиб туради.

